

Бу ердаги иш қалбга тегишли



09:00 / 18.02.2023 3285

- Ҳиндистондаги кўплаб машҳур кимсаларнинг сигирга сиғинаётганини кўрганингда;
- Мулҳид нейрохирург Аллоҳ таолонинг яратган нарсаларидаги (асаб толаларининг жойлашиши, миядаги асаб тизимининг ишлаши кабилардаги) пухталиқни ҳис қилмаётганини кўрганингда;
- Университетдаги фан доктори Аллоҳ таоло белгилаб қўйган мерос масаласида ўзича фикр билдириб, вайсаганини кўрганингда;
- Араб тили бўйича адиб бўлган кимсанинг Қуръони Карим фасоҳатига эътироз билдираётганини кўрганингда;
- Ўзини мутафаккир санаб юрган кимсанинг Суннатни қолақлик деяётганини кўрганингда;
- Бунинг муқобилида оддий кишининг қаҳратон совуқда Бомдодни адо этишга кетаётганини кўрганингда;
- Ўқиш-ёзишни билмайдиган, кекса аёлнинг тунда таҳажжуд ўқиб, кундузлари рўза тутаетганини кўрганингда;
- Отахоннинг ҳассасига таянганча беш вақт намозларини адо этиш учун масжид сари юриб кетаётганини кўрганингда;

Бу ердаги иш ақлга, дипломга эмас, қалбга тегишли эканини тушуниб етасан. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَادُوا أَوْلِيَّكُمْ مِنْكُمْ أَتَمَّوْا أَمْ لَمْ يَمْلِكُوا
يَوْمَ الْمَآذِنِ إِذْ نَادَى الْقَوْمُ الْأَكْفَابُ لِأَحْقَابِ
قُلْ أَتَمَّوْا أَمْ لَمْ يَمْلِكُوا

«Ер юзида юрмайдиларми, шунда уларда ақл юритадиган қалблар ёки эшитадиган қулоқлар бўларди. Зеро, албатта, кўзлар кўр бўлмас, кўкслардаги қалблар кўр бўлур» (Ҳаж сураси, 46-оят)

Эй Роббим, барчамизни Ўзингнинг ҳидоятингдан айирмагин ва хотимамизни чиройли қилгин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади